



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 14 июнь,
№49-50 (1016-1017)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 июнь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Президентининг махсус ёрдамчиси, АҚШ миллий хавфсизлик кенгашининг Россия ва Евроосий бўйича катта директори Селест Анна Уолландерни қабул қилди.

Мулоқот чоғида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик айрим муаммолар атрофида муҳокама қилинди. Ўзбекистон 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясида илгари сурган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги протоколи ядро қуролига эга беш давлат, жумладан, АҚШ томонидан имзоланди. Бу Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амалга оширилиши-

га улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Мазкур Протоколни ратификация қилиш жараёнининг якунига етказиш глобал миқёсда қуролсизланиш ва қуроолларни тарқатмаслик ҳамда минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш механизмларини шакллантиришнинг муҳим омилли бўлади. Сўхбат чоғида Афғонистондаги вазият, унинг минтақодаги жараёнларга таъсири, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

Маҳалла институтининг Америка Қўшма Штатларидаги тақдироти

Вашингтонда «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашнинг муҳим механизми» мавзусидаги халқаро илмий-амалий давра сўхбати бўлиб ўтди.

Унда маҳалла институтининг тарихи мисолида Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича тажрибаси кўриб чиқилди. Таъбир ишида АҚШ Давлат департаменти, Жорж Вашингтон университети, Карнеги жамоатчилиги, Жаҳон банки, Америка илм-фанни ривожлантириш уюшмаси ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Учрашув Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан Ж.Вашингтон университети билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Қайд этиш жоизки, дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буюн Ўзбекистон ва АҚШ турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлик бўйича салмоқли салоҳият ва конструктив тажриба тўплади. Бугунги кунда 60 дан ортиқ ҳукуматлар ва идораларор битимлардан иборат мустаҳкам шартнома-ҳуқуқий база яратилган. Доимийлик ҳусусиятига эга бўлган ўзаро мулоқот ва муносабатларни сермаҳсул ривожлантиришга муштарак инициативаларнинг мавжудлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда жадал тарққий этмоқда.

Ўзбекистон делегациясининг Вашингтонга бу гали сафари ҳам томонларнинг яқин ва кўп қиррали ҳамкорликдан чўқур манфаатдор эканлигини аққол тасдиқлади. Фуқаролик жамияти институтларини, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мавзуси кўпгина давлатлар учун, шу жумладан, АҚШ учун ҳам долзарб аҳамиятга эгадир.

Давра сўхбатининг америкалик иштирокчилари асрлар довомида ўзбек халқига хос бўлган аъно ва қадриятларни муҳимлаштириб келатган маҳалла институти билан батафсил танишдилар. Муштакиллик йилларида унинг жамият ҳаётидаги ўрни изчил ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди. Республика раҳбарияти томонидан маҳаллалар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга юқлатилган вазифалар кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан яқин ҳамкорликни таъминлашга қаратилаётган эътибор ўз маҳсулини бермоқда.

Таъбир катнашчилари фуқаролар йиғинларининг миллатларор ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, кенг доирадаги ижтимоий ва турмуш масалаларини ҳал қилиш, ҳусусан, аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатишдаги ўрни алоҳида таъкидландилар.

> [2]

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

Сидқидилдан бажарилган иш таъсирчан ва ибратли бўлар

Саодат Бозорова фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилгандан бери Сайхунобод туманидаги «Дўстлик» маҳалласида ушбу йўналишда фаолият юритиб келди.

■ **Томбжон НИЗОМОВ «Mahalla»**

У аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ибратли урф-одат ва анъаналаримизни навқирон авлод вакиллари онгига синдириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда миллатларор тотувликни мустаҳкамлашни фаолиятининг асосий вазифаси, деб билди. Шу боис утган йиллар довомида ҳудудда намунали оилалар сони сезиларли даражада кўпайиб,

уларда шижоатли, интилувчан, энг муҳими, ватанпарвар авлод вояга етмоқда.

Жорий Соғлом бола йили Саодат опа учун омадли келди: «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичида биринчи ўринни кўлга киритди. Чунончи, у фаолияти довомида асосий эътиборни оилалар тинчилиги ва фаровонлигини таъминлаш, хотин-қизлар бандлигига ҳисса қўшишга қаратиб келатди.

> [5]

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ



Баркамол авлод жамият бахти, мамлакат қудратидир

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ушбу мақсадда кенг кўламли умуммиллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган изчил ишлар халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

■ **Собир ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.**

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизда бошланган кенг кўламли чора-тадбирлар бу борадаги ишларнинг мантиқий довоимидир. Айни пайтда мазкур дастур ижросида

соғлом бола тарбиясида кенг жамоатчилик ва ижтимоий тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги янада кучайди. Бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Айни чоғда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва юртимиздаги мавжуд 10 мингга яқин фуқаролар йиғинларининг ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий, иж-

тимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, айнқиса, жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни камолга етказиш борасидаги ишлари таҳсинга сазовор.

Бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарган давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ҳаётга изчил татбиқ этишда фуқаролар йиғинларининг таъсири тобора ошиб бормоқда.

> [5]

«ЭНГ НАМУНАЛИ БЎЛИНМА»

Услубий кўмакда илғорлар аниқланди



Мамлакатимизда жамият ҳаётининг муҳим бўғини сифатида самарали фаолият юритаётган фуқаролар йиғинларида услубий ва амалий жиҳатдан кўмаклашаётган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман (шаҳар) бўлишмаларининг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш буғунги куннинг долзарб вазифалари сирасидан.

Шу мақсадда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг «Энг намунали бўлинмаси» танлови ғолибларини аниқлашда Фонд тузилмалари томонидан Уставда белгиланган асосий вазифалар, ҳусусан, ҳудудларда тинчлик-осойишталикни сақлаш, миллатларор тотувликни мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат

руҳида тарбиялашдек муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган танловда Фонднинг Амударё тумани бўлинмаси энг юқори балл тўплаб, биринчи ўринни кўлга киритди. Иккинчи ўрин Кўнгрот тумани бўлинмасига, учинчи ўрин эса Нукус тумани бўлинмасига насиб этди.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Жамоатчилик қабулхонаси мурожаатларга ўз вақтида ечим топяпти

Фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида қаноатлантириш ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятининг муҳим шартларидан саналади. Шу туфайли ҳам аҳолидан тушаётган ариза ва шикоятларга давлат органлари, жамоат ташкилотлари, ҳусусан, фуқаролар йиғинлари томонидан ўз вақтида жавоб қайтариляпти.

■ **Т. НИЗОМОВ «Mahalla»**

Бу жараёнда маҳаллаларнинг иштироки тобора ортиб, давлат бошқаруви органлари билан аҳоли ўртасидаги мустаҳкам ришта сифатида фаолият юритмоқда. Чунончи, ушбу масъулиятли вазифа ҳам фуқаролар йиғинлари зиммасига юқлатилгани учун билдириляётган ишончининг

амалдаги ифодасидир. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижросини изчил таъминлаш мақсадида маҳаллаларда фуқаролар учун Жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шунга мувофиқ, пойтахтимиздаги 70 га яқин маҳаллада Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўрин-

босари Аҳрор Ғуломов. — Уларда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутасаддилари, туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, совдо департаменти бошлиғи ва бошқа тегишли мансабдор шахслар ҳафтанинг муайян кун ва соатларида фуқароларни қабул қилиб, бевосита уларнинг ёзма ҳамда оғзаки мурожаатларини тинглаб, шикоят уризаларини ўз вақтида қаноатлантиришга ҳаракат қилишаётёр.

Аҳоли сонининг ортиши билан мурожаатлар ҳам кўпайиши табиий. Шу боис ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари маҳал-

лалар аҳолисининг мурожаатларига қисқа фурсатда жавоб қайтариш имконини беради.

— Маҳалламизда Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилгани айни муддао бўлди, — дейди «Нихол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нияматилла Иноғомов. — Эндиликда бу ерга ёндаш «Обод», «Истиқлол», «Шодлик», «Ғалоба» ва «Табассум» маҳаллалари аҳли келиб, ҳар ойнанинг биринчи чорсанба кунни тумандаги мансабдор шахслар билан мулоқотга киришиб, уларга бевосита ўзларини уйлантириётган масалалар бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

«Ўлистон» маҳалласида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхонасида туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи вазифасини

бажарувчи Р.Юсупова фуқароларни қабул қилди. Ушбу йиғилишда аҳоли «Авайхон» маҳалласи ҳудудидаги болалар майдончасини ободонлаштириш масаласини кўтариб чиқди. Маҳалладаги болалар майдончасини кўкпаламзорлаштириш ишлари қисқа фурсатда амалга оширилиши маълум қилинди.

Ҳа, бугун Ватанимиз обод, халқини фаровон кўриш юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг эзгу мақсадига айланган. Энг муҳими, ҳозирда аҳолидан тушаётган аризаларнинг аксариятида ҳудудлар инфратузилмасини янада яхшилаш, маҳаллалар қиёфосини ўзгартириш каби масалалар кўтарилляпти. Бу эса фуқароларнинг юрт тақдирига дохилдорлик ҳисси билан яшаётганидан далолат.

ЭЪТИРОФ

Маҳалламиз меҳмонларни маҳлиё этди

Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизда ташкил этилган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари маҳалламизга таъриф буюришгани бизга чексиз ғурур бағишлади.

■ **Турсуной ҚУВОНДИҚОВА, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Шу кунни хоржиқлар худудимиздаги салкам етти юзта оила истиқомат қилаётган намунали лойиҳалар асосида барпо этилган кўркам ва шином уй-жой массивида меҳмон бўлишди. Хондонларга кириб, ўзбекна тўкин дастурхон атрофида бир пиёла чой устида дивдан сўхбат қуришди.

Маҳалламизда замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида қурилган уй-жойлар, ижтимоий-маданий, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари хоржиқларнинг эътиборини тортмасдан қолмади. Айниқса, жамиятимизнинг нобё институтини — маҳалла фаолияти билан яқиндан танишар экан, йиғинимиз идорасининг моддий-техник базаси, ҳодимларга ажратилган алоҳида шином хоналар уларда илқ таассурот қолдирди.

Чиндан ҳам, истиқлол шарофати билан маҳалламиз энг кўркам, файзли гўшага айланди. Бу ерда инсон фаровон яшашини учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Худуд марказида қад ростлаган маҳалла гузари борчанинг эътиборини тортади. Гузарда супермаркет, нон цехи, турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли эҳтиёжларига мос равишда фаолият юритмоқда. Дўконларимиз расталарини эса мева ва सबзавотлар, турфа хил озиқ-овқат — нон, гўшт, сут маҳсулотлари тўлдириб турибди. Бу маҳсулотларнинг нархи ҳамёнбон. Узимизда етиштирилган маҳаллий маҳсулотлар хоржиқлик меҳмонларга манзур бўлди.

Меҳмонлар серкўёш диёримиз заминиде етиштириляётган меваларни ўз кўзлари билан кўриш учун ҳудудимиздаги 50 гектар майдонини эгаллаган интенсив боғ — «Тошкент боғ-роғлари» масъулияти чекланган жамиятига таъриф буюришганида баровж ўсиб турган, шигил мевали олма, нок, олхўри дарахларини кўриб, миришкор деҳқонларимиз меҳнатига тан беришди.

Ҳа, сайёрамиз аҳолисининг 30 фонзида энёди, яъни деврли ҳор сақизи одамнинг бири тўйиб овқатланмаётган бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг чекка ҳудудидеги фуқароси ҳам бизнинг «Истиқлол» маҳалласи фуқаролари каби фаровон турмуш кечирётганини кўриб, элимизнинг толеи баланд эканига шукроналар айтамыз.

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

Сидқидилдан бажарилган иш таъсирчан ва ибратли бўлар

< [1]

— Сўнгги уч йилда маҳалламиздаги 100 нафардан зиёд хотин-қиз, шу жумладан, 34 нафар аёлни фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда касаначилик асосида фаолият юритишга йўналтирдик, — дейди С.Бозорова. — Бунда, аввало, йилнинг бошида Хотин-қизлар билан ишлаш, Тadbirkorлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзолари, туман бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази вакиллари билан ўрнатилган изчил ҳамкорлик кўп келмоқда. Қолаверса, маҳалла гузариди ташкил этилган тикувчилик, тўқувчилик, зардўзлик каби тўғарақларда хотин-қизлар бепул хунари ўрганишмоқда. Ҳозир ҳудуддаги тadbirkorлик субъектлари мутасаддилари мазкур йўналишлар бўйича ходим керак бўлса, дарҳол бизга мурожаат қилишди.

Маслаҳатчининг йилнинг ахли билан ҳамкорлиги мустақамлигини шундан ҳам билиш мумкин, кишилар исталган масала бўйича Саодат опага мурожаат этишиб, саволларига жўяли жавоб оладилар. Бу борада у — хотин-қизларнинг суяничи, энг яқин маслаҳаттўйи.

— Маҳаллада истиқомат қиладиган 3600 нафардан зиёд аҳолининг, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг турмуш тарзини ўрганиш Саодат Бозорованинг кундалик юмушига айланган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сайхунобод тумани бўлини бош мутахассиси Ижобат Ходидёрова. — Ижтимоий химояга муҳтож оилаларга кўмаклашиш бўйича йилнинг бошида комиссия аъзолари, туман бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази вакиллари билан ўрнатилган изчил ҳамкорлик кўп келмоқда. Қолаверса, маҳалла гузариди ташкил этилган тикувчилик, тўқувчилик, зардўзлик каби тўғарақларда хотин-қизлар бепул хунари ўрганишмоқда. Ҳозир ҳудуддаги тadbirkorлик субъектлари мутасаддилари мазкур йўналишлар бўйича ходим керак бўлса, дарҳол бизга мурожаат қилишди.

Одам савдосининг олдинги олиш бўйича С.Бозорованинг ўзига хос тажрибаси бор. Мисол учун, у чет элга шайланган фуқароларнинг оиласига ташриф буюриб, кўни-кўшиларни жамлаган ҳолда одам савдоси қурбонига айланган кишиларнинг очик эйтирибларини, наҳоят ва пушаймонлари тасвирланган ҳужжатли фильмини намойиш этди. Шунингдек, хоржиди мўмай даромад топиш илмидаги ёшларга юртимизда тadbirkorлар учун яратилган шарт-шароит, маҳалларга кўмаклашди ишбилармонларга банклардан ажратилган имтиёзли кредитлар ҳақида гапирибдан чорчамайди. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 5 нафарга яқин фуқаро хоржиди бориб ишлаш ниятидан воз кечди.

Туман ва вилоят миқёсида фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир ўтадиган тadbirkorларда қаҳармонимиз орттирган тажриба билан унинг ҳамкасблари яқиндан танишишга интиладилар. Шу маънода жорий йилги «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи С.Бозорованинг илгор тажрибаларини вилоят бўйича оммалаштириш имконини берди.

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Баркамол авлод жамият бахти, мамлакат қудратидир



Ушбу оилада кўп фарзанд.

< [1]

Бу Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан жойларда бўлиб ўтадиган учрашувлари довомида «Мақтаб ва мактабчага таълим муассасаларида болаларни тиббий хизмат билан таъминлаш тизимини мустақамлаш» мавзусида ташкил этилган тadbirkorларда ҳам намоян бўлмоқда. Тadbirkor доирасида маҳалларда, оиласида қишлоқларда жойлашган таълим муассасаларида болаларни малакали тиббий хизмат билан таъминлаш масалаларини ўрганишда фуқаролар йиғинлари, хусусан, улар ҳузурдаги жамоатчилик комиссияларининг роли юқори бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Юртимизда ёшларнинг ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, аввало, ота-онанинг, оиланинг, қолаверса, бутун жамиятнинг бахти, мамлакат салоҳиятини, қуч-қудратини белгилаб берувчи муҳим омилдир. Шу мақсадда қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, фармонлар, давлат дастурлари хайрли ишларимизга ривож бериб, эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Юртошимиз ташаббуси билан 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида» қонун ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратишга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлди. Мустақилликнинг илк кўнунлари қабул қилинган ушбу қонунда ёшларга оид сиёсат давлат фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйилди. Оила кодекси, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Вояга етмаганлар

ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Васийлик ва ҳомилик тўғрисида» қонунлар ёшлар тарбиясида, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, иш билан банд қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ҳуқуқий база вази фасини ўтапти. Умуман, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларига оид масалалар мамлакатимиз Конституцияси ҳамда йигирмодан ортқ қонун ва қатор қонуности ҳужжатларида мустақамлаб қўйилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида мактаблар, лицей ва коллежлар ўқув-чилирига, олий таълим муассасалари талабаларига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, ҳар бир таълим муассасасида тиббиёт ҳамширалари фаолиятини йўлга қўйиш, соҳада амал қиладиган қонунларни замон талабларига мослаштириш ҳам мазкур ишларнинг тadbirkorлиги довомида шохидлик беради.

Маълумотларга кўра, ҳақ таълими тизимиди жами 4962 та мактабча таълим муассасасининг барчасида тиббий хизмат хоналари ташкил этилган. Уларнинг аксарияти замонавий тиббий анжумлар билан тўла жиҳозланган. Мазкур муассасаларда тарбияланаётган 539 527 нафар болага 5030 нафар ўрта тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда. Республикаимиздаги жами 9739 та умумтаълим мактабларидаги 4 458 162 нафар ўқувчининг саломатлигини назорат қилиш учун эса 16 476 нафар тиббиёт ходими ажратилган.

Мактабча таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари тарбияланувчи ҳамда ўқувчилари ҳар ўқув йили довомида ҳуқуқлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб келинмоқда.

Баъзи мамлакатларда, шу жумладан, айрим ривожланган давлатларда ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари, асосан, шаҳарларда жойлашганлиги тўғрисида қишлоқ аҳолиси тиббий хизматлардан

фойдаланишда қийинчиликларга дуч келади. Мамлакатимизда яратилган миллий моделнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, бизда энг чекка ҳудудда яшовчи аҳолига ҳам худди шаҳарлардаги каби малакали тиббий ёрдам кўрсатилаётди. Шунинг баробарида, таълим муассасаларида ҳам тиббиёт хоналарининг ташкил этилаётгани, тиббиёт ҳамшираси штати жорий этилаётгани баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги муҳим қадам, дейиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирлиқларининг 2013 йил 2 октябрдаги «Мақтабча ва умумий ўрта таълим муассасаларида тиббий хизматни такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан «Мақтабча ва умумий ўрта таълим муассасаларининг тарбияланувчи ва ўқувчиларига бирламчи тиббий-санитария ва профилактик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланган. Унга кўра, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларига умумтаълим мактаблари ва мактабча таълим муассасаларига, қабул қилинган шарт-шароитлари асосида, тиббиёт ходимларини ўрнатилган тартибда бириктириш, ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларнинг соғлигини назорат қилиш вазифалари юклатилган.

Ушбу ҳужжатга асосан, тиббий хоналарни ташкил этиш, уларни керакли жиҳоз ва асбоб-ускуналар, зарорисизлантириш воситалари ҳамда дори-дармонлар билан таъминлаш вазифаси мактабча таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда ёшлар масаласида амалга оширилётган ишлардан кўзланган пироворд мақсад, Юртошимиз таъбири билан айтганда, фарзандларимизни биздан кўра қучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишларига эришидир.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Натижалар ҳавасга арзигулик

Аҳолининг тинч-осойишталигини таъминлаш, оилавий низолаarga барҳам бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишни намунали йўлга қўйишда Амударё тумани Қилличбой овул фуқаролар йиғини қошидаги Яраштириш комиссиясининг фаолияти эътиборга лойиқ.

■ Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»

Шонозар Самандаров раислик қиладиган комиссия таркиби катта ҳаётий тажрибага эга, нуфузи баланд нуруний ота ва онахонлари билан бир қаторда, билимдон, турли соҳа вакиллари бўлган ёшлардан иборат.

— Ҳаётий тажрибаси камлиги оқибатида айрим ёш оилаларда келишмовчиликлар, низола қузатилади, — дейди комиссия раиси Шонозар Самандаров. — Кейинчалик муаммога ечим кидиргандан кўра, унинг олдини олган афзал, албатта. Шу мақсадда маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича комиссия аъзолари ҳамда имом-хатиблар ҳамкорлигида ёш оилалар ўртасида 25 марта давра сўхбатлари ўтказдик. НиЗОли оилалардан қўрилган битта ёзма ва 11 та озаки мурожаат комиссия аъзолари томонидан ўрганилиб, уларни бартараф этиш мақсадида 15 мартадан ортқ тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Бу сай-ҳаракатлар самараси ўларок, жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида бирорта ажрим қайд этилди.

Оила мустақамлигини таъминлаш учун, аввало, йигит-қизларни катта ҳаётга тайёрлаш, улар онгида эр-

хотинлик мажбуриятларини шакллантириш зарур. Худудда тўй-маросимларни тартибли ва илҳом ўтказишни кенг жамоатчиликка тушунтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли ўртасида шу мақсадга қаратилган тўртта тарғибот тadbirkorлиги ўтказилди. Комиссия аъзолари жорий йилнинг 5 оий мобайнида худудда ўтган олтига тўй-ҳашамга бош-қош бўлишди. Ёшларнинг тиббий кўридан ўтиб, ФХДда никоҳлари қайд этилганини ҳам назорат қилишди.

— Амалга оширилаётган тарғибот ишлари самараси ўларок, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, эрта турмуш қуриш ҳолатлари учрамади, нотинч, ноқобил оилалар рўйхатга олинмади, — дейди йилнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Жуманиёзова. — Хоржиди иш излаб кетган фуқароларнинг оилавий назоратга олинди. Худуддаги таълим муассасаларида шу кўнага қадор ўқувчилар довоми буйича тўрт марта рейд ташкил этилди. Комиссия маҳалла ва оилалар осойишталигига салбий таъсир этувчи омилларни эрта аншлаб, уларни ўз вақтида бартараф этиш масаласида алоҳида эътибор қаратаётгани тўғрисида натижалар ҳавасга арзигулик.



ФОНД КЎМАГИДА

Оила мустақамлиги эътибор ва ғамхўрликдан

Муроджон Жўраев Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Қайишма» маҳалласида истиқомат қиладиган. Яқинда янги ҳаёт оstonасига қадам қўйган ёшларнинг тўйини файзли ва ихчам тарзда ўтказишда маҳалла кўйи, ҳомиий ташкилотлар ёрдам қўлини чўзиб, ёш оила турмуши учун зарур шароитлар яратиб берилди.



■ Иброҳим БЕК «Mahalla»

Бугун Муроджон каби ёшларнинг тўйларини ўтказиб, яшаш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, «мустақам оила» ғояси тарғиботида муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Вилоят бўйича Фонд кўмагида жорий йилнинг биринчи чораги довомида ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг 14 тасига тўй ва ундан олдинги тиббий кўридан ўтказишга кўмаклашилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Расулов. — Ушбу мақсадлар учун Фонд ва ҳомиий ташкилотлар томонидан 9,7 миллион сўм маблағ сарфланди. Ёшларнинг тиббий кўридан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, улар ўртасида ирсий ва тумна касалликларнинг олдини олиш борасида тарғибот ишларини олиб борапмиз.

Хотин-қизлар ва ёшлар орасида тиббий кўриқнинг аҳамияти, қизларни эрта тур-

мушга бериш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш мақсадида вилоят прокуратураси, ФХД, Ўзбекистон муслмонлари идорасининг вилоятдаги вакилчилиги билан ҳамкорликда «Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари», «Оилада тиббий кўриқнинг аҳамияти» мавзусидаги тadbirkorлар ташкил этиб келинмоқда. Ёшлар ўртасида 1825 марта тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилди. Тadbirkorларда 42350 нафардан зиёд аҳоли иштирок этди ва шундан 23780 нафардан зиёди ёшлардир. Бу Фонд томонидан бажарилаётган ишларнинг режа асосида олиб борилаётганидан далолат.

Биргина, Зангиота туманидаги 154 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, патронаж ҳамширалари иштирокида «Саломатлик сектори» доирасида 454 нафар никоҳланувчи ёш тиббий кўриқдан ўтказилди.

Зотан, соғлом ва аҳил оилада ҳам маънан, ҳам жисмонан етук авлод улғаяди.

ҲУНАРДАН УНАР

Либослар нақшида нурафшонлик бор

Фарида Нарзиева Бухоро вилоятининг Шофиркон тумани «Нурафшон» маҳалласида истиқомат қиладиган. Салкам ўн йилдан бери каштадўзлик билан шуғулланидиган бу қизга бувииси Фароғат ая хунари сир-асрорларини ўргатган.



■ Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

— Каштачиликнинг қадимги турларини эгаллаганимизда 14 ёшга ҳам тўлмаган эдим, — дейди хунардон. — Бугун эса маҳалламиздаги «Ораста қизлар» тўғрагида билганларимни қизларга ўргатиб келмоқдам.

Ҳафтанинг белгиланган кўнлари уюштирилган «Ораста қизлар» тўғраги машулотларини нурафшонлик қизчалар интиқиб қўтиши беҳиз эмас. Чунки Фарида уларнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланади. Либослар, сумкалар, ёстик жилдлари қандай нақшлар мос тушишини ўргатиб, уларнинг ижодкорлигини қўллаб-қувватлайди.

— Йилнингизда аёллар тadbirkorлигини қучатиришга катта эътибор қаратилди, — дейди маҳалла раиси Зўро Зарипова. — Айтиш мумкин, худудимиздаги ҳар бир аёл ўқувчи, ораста ва хунардон. Биз эса уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, хунардонларни орқали тadbirkorликка жалб этишга ҳароқат қилаямиз. Фарида Нарзиева ҳам ёш ва умидли тadbirkorлар-

дан. Унинг ижодий ишлари орасида каштачиликнинг 100 йиллик аънавларини ҳам ўрнатасиз. Турли кўрик-танловларда иштирок этиб, миллий хунардончилигимиз намуналарини тарғиб қилмоқда. Қувонарлиси, маҳалламиздаги касб-хунари коллежи, умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам унинг хунарини катта қизиқиб билан ўрганишмоқдалар. Бу эса ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда қўл келмоқда.

Раиса тасдиқлаганидек, Ф.Нарзиева республика миқёсида ҳар йили ташкиллаштирилган турли кўрик-танловларда фоол иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

Дарвоқе, тadbirkor кўна хунарини замонавий усуллар орқали бойгаётгани кўпчиликнинг эътиборини торттиради. Жумладан, миллий матоларимиз асосида тиккан шяпақларни ислимий нақшларда жиҳозлаш, сумкаларни анор, лопа, бодом гуллари билан безади. Аёллар учун турли костюмлар, қўйлақ, нимча ва шарфларга қадимий нақшу ниғорларни қаратаётгани ҳам ижодий тасаввурга эрк беради.

ОБОД ОВУЛ МАНЗАРАЛАРИ

Қишлоқда ҳам шаҳардагидек

Қўнғирот Қорақалмоғистоннинг энг чекка ҳудудларидан. Шунга қарамай сўнги йилларда туманда барча соҳалар бўйича жадал ривожланиш кузатилиб, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалиб бораётгани кузатилаётди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»

Айниқса, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ислохотлари натижасида Қўнғиротнинг ҳам ўзгача қиёфа касб этаётгани фикримизга далилдир. Чунинчи, Қўнғирот овул фуқаролар йиғини ҳудудда «Гулистон» массивининг барпо этилгани ҳудуд аҳлини беҳад хушнуд этди.

Борча қўлоқликларга эга 90 та намунали уй-жой газ ва ичимлик суви билан тўла таъминланди. Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда мактаб, мактабгача таълим муассасаси, бозорча, тўйхона, чойхона, новвойхона, дорихона ҳамда аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Айниқса, замонавий анжомлар билан жиҳозланган болалар спорт майдончаси ишга туширилганидан овул ёшлари хурсанд. Бу майдончада ёшлар спортнинг турли йўналишлари бўйича машғулот олиб боришга тўра.

МАҲАЛЛАМИЗ ТАРИХИ

Асрлар қаъридаги синоат

Болалигим Чотқол тоғ ёнбағирларида ўтган. Ҳавоси тоза ва зилол чашмалари тарихнинг минг бир синоати ҳақида сўзлайди. Ҳудудимиз одамлари самимий, меҳнаткаш ва очикқўнгли.



Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»

Бундай таърифларни Тошкент вилояти Паркент туманидаги ҳар бир қишлоқ фуқароси гапириши мумкин. Бироқ Сўқоқ қишлоғи ҳақида гап кетганида беҳиётир чашмонинг сеҳрли товушини эшитгандай бўласиз. Айниқса, май ойида бу ерда бўлсангиз, ўзга оламга келиб қолгандек сезасиз ўзингизни. Алвол лолақизгалдоқларга бурқанган, чучмоқлардан пардоз қилган қиру адирлар, булоқларнинг жанрндор овозига мафтун бўласиз... Бу таъсирлар Сўқоқ қишлоғи тобиатини тўла-тўқис таърифлашга камлик қилади.

«Илеқ» деб аталган. Сушиэ эса ҳозирги Паркент туманидаги Сўқоқ (Сукёже) ўрнида бўлган, деган тахминлар бор. Жой номи баъзи бир фонетик ўзгаришларга учраган бўлса-да, асл маъно-маънавияти сақланиб қолган. Тарихий манбаларга асосланиб «Сўқоқ» атамаси учта маънони билдиради, дейиш мумкин. Биринчиси, форс тилидан таржима қилинса «Қўлмақ» деган маънога эга; иккинчиси, бу ерда «Сўқоқ» деган кийик тури ниҳоятда кўп бўлгани билан боғлиқ; учинчидан, бу атамма мақола аввалога эга олинган чашма билан боғлиқ, яъни «Сув оқ» деган маъноларни билдиради.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

Биллурликлар тотувликда ҳамжиҳат, аҳил



Киндик қоним тўқилган олис Сурхон воҳаси қайноқ тафти билан доимо мени ўзига чорлайди. Пойтахтдалигим боис, юрт соғинчи қўндан мени тарқ этмайди. Ойда-йилда борсам-да, маҳалламизнинг самимий, бағрикенг, очикқўнгли инсонлари билан суҳбатлашиб, энгил тин оламан.

Мавлуذا МЕЛИҚУЛОВА.

Дарвоқе, воҳанинг олис Сароисиё туманидаги «Биллур» маҳалласида туғилиб ўсдим. Маҳаллий аҳоли биллурликларни «байналмилал» дейишади. Чунки маҳалламизда ўндан ортиқ — тожик, рус, татар, туркман, уйғур, корейс, қозоқ, афгон сингари турли миллат ва элат вакиллари тотувликда умргузаронлик қилиб келишмоқда.

Яқинда Сурхондарёга борганимда, «Биллур» маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан ташкил этилган «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили» мавзусидаги двара суҳбати ўтказилаётганига гувоҳ бўлдим. Тадбир доирасида «Ўзбекистон — кўпмиллатли аҳил оила» мавзусида кўргазма ҳам уюштирилди. Тадбирдан олган таассуротим шун бўлдики, юртимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик тамойилларининг ус-туворлиги ижтимоий-сиёсий барқарорликни ҳамда мамлакат тараққиётини таъминлашнинг муҳим шартини таъминлаш билан ташкил этилган «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили» мавзусидаги двара суҳбати ўтказилаётганига гувоҳ бўлдим.

ТАНЛОВ

Оқила ва ораста қизлар

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Тузел» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 24-сонли муסיқа ва санъат мактабида «Ораста қизлар» кўрик-танловининг туман bosқичи бўлиб ўтди.

М. МЕЛИҚУЛОВА.

— Танловдан кўзланган мақсад мустақиллик йилларида жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги ва мавқеини ошириш борасида амалга оширилган ишларни кенроқ ўрганиш, шунингдек, бу соҳада тўлланган бой тажрибани оммалаштиришдир,

ижтимоий фаоллигини юксалтиришга қаратилди. Биринчи шартга кўра, иштирокчилар «Оммавий моданиятнинг қизлар тарбиясига салбий таъсири», «Мустаҳкам оила — жамият таянчи», «Ўзбек қизларининг ибоси», «Тиббий кўрикнинг аҳамияти», «Касб-хунарли хор бўлмас» каби мавзулар бўйича чиқишлар қилишди. Шунингдек, танловда жомалар «Ораста қиз маънавияти ва моданияти» мавзусида саҳна кўриниши ва бошқа шартлар бўйича ҳам куч

ЭЪТИРОФ

Тарих ва таърифи ҳайрат уйғотган


Мамлакатимизда ҳужм сураётган тинчлик-осойишталик туғайли диёримизнинг тарихий шаҳарларида, хусусан, кўҳна ва навқирон Хоразм воҳасига ташриф буюраётган сайёҳлар сонини тобора ортмоқда.



Назокат ХУДАРГАНОВА эзиб олди.

Юртимизда замонавий сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, табарруқ кадамжоларни асл ҳолига қайтариш, таъмирлаш кўламини кенгайтириш, сайёҳларга ҳар томонлама сифатли хизмат кўрсатишнинг янги тизими шакллантирилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги қарорига асосан Хоразмда, хусусан, қадим Хивада улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозир шаҳарнинг барча ҳудудлари янгилаштириш сари юз тутган.

Шаҳарга ташриф буюрган бир гуруҳ хоржилик сайёҳларининг кўҳна кент ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик. — Биз Даниянинг Колпенгаген шаҳридан келдик, — дейди Сюзана Ларсен. — Бу ерга келишдан олдин Самарқандда бўлган эдик. Ўзбекистонда тарихий обидалар муҳофазасига давлат миқёсида катта эътибор берилмоқда. Хивада халқининг бой тарихини ўзида ифода этган мезморий ёдгорликлар, улларнинг назик дид билан безатилгани, асраб-авайланаётгани бизда ҳайрат ва ҳавос уйғотди. Айниқса, Исламхўжа минораси, Жума масжиди, Паҳлавон Махмуд мақбараси, Кўҳна Арқ, Тош ховли каби ёдгорликлари — дунёнинг энг ноёб муъжизалари, десам янглишмайман. Хива ҳақида ўқиганларим, эшитганларимни ўз кўзим билан кўриб турганимдан бахтиёрман.



Хайёт бамисоли оқар дарё экан. Бугун унинг тўнғич ўғли вояга етди. Армия хизматида қайтиб, отасига кўмакчи бўлди. Мана, икки йилдики ўзи мустақил ер ҳайдайди, ғўза қатор ораларига агротехник ишлов беради.

тракторчи моддий ёрдам расмиёлаштиришга буйруқ берди ва пулни тушдан кейин олиб кетиши мумкинлигини айтди. Аризачи икки қўлини кўксига қўйиб миннатдорлик билдирди. Шу кўни у жонини жабборга бериб бўлмай ўрди. Қори тут остида, жилдираб оқётган ариқ бўйида уч-тўрт бўлак оқ қанду яримта нон билан тушлик қилиб олган, комбайн моторини ўт олдириб, яна ишга киришди. Пешиндан кейин бир пас дам олиш ўрнига келишилгандек кассасга борди. Бурака топсин, ҳўжалик раҳбари унга бир сонин сугир сотиб олишга етадиган миқдорда пул ажратган экан. Бундан боши осмонга етган Қўзи тракторчи пулларни белбоғи қатига ўраб белига боғлаганча ўзгача руҳ билан далага қайтди. Ахир, тезроқ ўриб олинмаса, дон қуриб ерга тўқилади.

Н. АСЛОН.

«Астағфурулло», беҳиётир асабийлашди у. Қаяққа гойиб бўлиши мумкин! Наҳотки чандиб боғланган белни боғ ечилиб тушадую у сезмайди, билмайди, фафлатда қолади. Қўзи тракторчи ортига қайтди. Чироқ ёқиб комбайн кабинасини кўздан кечирди, йўқ. Бир пас ўйланиб, бугудойзорнинг қаерига тўхтаб пастта тушганини донни қаерда тиркамга тўққанини, қўлини ариқнинг қай бетига чаюганини эслади. Фонар тугиб, бугудойзорни обдон кезди. Фойдаси бўлмади. Осмонга учдим, ерга кириб кетдим, хуллас, белбоғ ҳам, унга ўроғлик пул ҳам йўқ эди. Кун бўйи ишлаб қаттиқ талиқан, сўяқлари зирқирётган Қўзи тракторчи ястаниб ётган бугудойзордан белбоғ излаш фойдасиз юмушдек туюлди. У қўл силтаб уйсига қайтди. Хотини келтирган бир касса хўрдани паққос туширдию лаб-лунжини ени билан наридан-бери ариқ, сўрига узала тушди. Латта этини ечишгаям мадори етмай пинакка кетди.